

**“БЕШАРИК ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Фарғона вилояти, Бешарик тумани
Бешарик кўчаси 7-уй**

2022 йил 29 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Фарғона вилояти, Бешарик тумани Бешарик кўчаси 7-уйда “Бешарик пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони - 4 323 140 донани ташкил этади.

“Бешарик пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2022 йил 1 июндаги 01/26-сонли таклиф хати инobatга олиниб, Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ 2022 йил 29 июнь куни ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2022 йил 23 июнь.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи П. Қурбонов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Халилов Нусратилло Неъматович - “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси;
2. Фармонов Бахтиёр Баходирович - “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси;
3. Бойкулов Эгамберди - “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офисидан вакил;

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Н.Халилов ва йиғилиш котиби этиб П.Қурбонов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санoқ комиссияси аъзоси П.Қурбоновга берди.

Санoқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2022 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 2 168 та акциядорга тегишли 4 323 140 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 3 416 920 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 46 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 79,0 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:
К.Юлдашев - жамият Бош директори в.в.б;
С.Эсонов - жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;
Йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш;
4. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш;
5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш;
6. Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш;
7. Жамиятнинг 2021 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
8. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш;
9. Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш;
10. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдаси ва 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш;
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиш;
13. Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
14. 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
15. Жамиятнинг янги тахрирда уставини ва ички низомларини тасдиқлаш;
16. Конунчиликда белгиланган даъво муддати утган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан двидентлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия хужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш;
17. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш;
18. Жамиятда 2021 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сонли “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Бешариқ туманидаги “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ ва “Бешариқ” корхона қоши, “Яккатут”, “Ропқон” пахта тайёрлаш масканлари мол-мулклари “LUX YAN TEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер ташкилотига баҳоланган қийматда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш;

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сонли “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан жамиятга қарашли Дангара туманида жойлашган “Найманча”, “Оқжар”, “Мулқобод” ҳамда “Пахтакор” пахта қабул қилиш масканларининг бино-иншоотлари ва асосий воситаларини “MUSAVVAR TEX” МЧЖ ҚК пахта-тўқимачилик кластер ташкилотига баҳоланган қийматда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш;

21. “Бешариқ пахта тозалаш” акциядорлар “LUX YAN TEX” ҳамда “MUSAVVAR TEX” МЧЖ ҚК ўртасидаги 2021-2022 йиллар ичида пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ бошқаруви билан тузилган ижара шартномалари юзасидан жамият бош директорининг ҳисоботини эшитиш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2022 йил 7 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – П.Курбонов, иш ҳақи ҳисобчиси - Н.Эсоналиев, Жамиятнинг материал ҳисобчиси-М.Зулфикоровлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6%) 89742;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) П.Курбонов;
- 2) М.Зулфиқоров;
- 3) У.Акбаров.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 21 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5-10 (беш-ўн) дақиқа оралиғида муҳокама учун вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” - (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” - (2.6) 89742 та овоз;
“Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият Бош директори К.Юлдашев сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор К.Юлдашевга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан бош директорнинг 2021 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6%) 89742 та овоз;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзоси Б.Фармонов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6%) 89742;

“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов сўзга чиқиб, жамият бош директори К.Юлдашевни ваколати тугаганлиги, жамият бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди, ва жамият бош директори К.Юлдашевнинг 2021 йилдаги фаолияти, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши яхши йўлга қўйилганлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда “Фарғонапахтасаноат” ХБ АЖ топшириқлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганлигини инobatга олиб, К.Юлдашевни билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтириш масаласини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди, ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.. Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742;

“Бетарафлар” – йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ Бош директори К.Юлдашевни билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор К.Юлдашевни билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати - 2022 йил якуни бўйича

ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори К.Юлдашевга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

- “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда “Фарғонапахтасаноат” ҚАБ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича «ТТТ-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори А.Расулов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2021 йил 16 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ҳамда 2021 йил 10 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

«ТТТ-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаларида “Қўқон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича «ТТТ-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 23 мартдаги Миллий стандартларга мувофиқ ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” –(2.6) 89742;

“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022 йил 23 мартдаги Миллий стандартларга мувофиқ ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори С.Эсоновга сўз берилди ва йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботларини уқиб эшиттирди.

Йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан жамиятнинг 2021 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742; та овоз
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2021 йиллик ҳисоботи (бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари) қониқарли деб топилсин ва ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамият бош ҳисобчи С.Эсонов йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг 2022 учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бизнес-режа илова қилинади*).

Йиғилиш раиси Н.Халилов акциядорлардан жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742; та овоз
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2022 йил учун мақулланган бизнес-режаси қониқарли деб топилсин ва ижро учун тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси А.Мирзаев га сўз берди.

А.Мирзаев жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттириб, Корхонанинг иктисодий кўрсаткичлари яъни

Жамиятнинг тўлов қобилиятлилиқ коэффиценти: 0,78 бўлиб, норматив кўрсаткич бўйича тўлов қобилиятлилиқ коэффиценти 1. дан кам бўлмаслиги керак.

Рентабеллик коэффиценти: Белгиланган норматив ҳужжатларда асосан рентабеллик коэффиценти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 0 дан кам бўлса, яни минус кўрсаткич билан чиқса, бундай ташкилот зарар билан ишловчи корхонага айланади. Жамиятнинг рентабеллик коэффицент 1.76 бўлиб, жамиятнинг рентабеллик коэффиценти юқори эканлиги аниқланди. (*тафтиш комиссияси хулосаси илова қилинади*).

Йиғилишда раиси Н.Халилов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742; та овоз
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов сўзни жамиятнинг бош хисобчиси С.Эсонов га берди.

С.Эсонов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз –556 136 130сўм миқдорида тузиладива 2021 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 556 136 130 сўм, яъни устав капиталнинг 15.0 фоизини ташкил этади.

2020 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 2 139 036156 сўм соф фойда тақсимотида инobatга олиш бўйича қарор қабул қилинган.

2021 йил якуни бўйича соф фойдаси 14 986 000 сўмни ташкил қилади.

- Жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича олинган 14 986 000 сўм ҳамда 2020 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 2 139 036 156 сўм жами 2 154 022 156 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклифи киритилган:

-соф фойданинг 94 фоизи яъни 2 024 022 156 сўмни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга;

- соф фойданинг 3 фоизи яъни 65 000 000 сўмни Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида тақсимлашга;

-соф фойданинг 3 фоизи яъни 65 000 000 сўмни ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш учун тақсимлашга йўналтирилсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742 та овоз
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан 2020-2021 йил якуни бўйича олинган 2 153 272 856 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлансин;
2. -соф фойданинг 94 фоизи яъни 2 024 022 156 сўмни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;
3. - соф фойданинг 3 фоизи яъни 65 000 000 сўмни Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;
4. -соф фойданинг 3 фоизи яъни 65 000 000 сўмни ижроия органи ва тафтиш комиссия аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;
5. Дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кун ичида тўлансин.

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 9 июль 2022 йил.
- дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 9 сентябр 2022 йил.

6. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, акциядорларга жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун киритилган номзодлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“Фарғонапахтасаноат” ҲАБнинг 28 февралдаги 01/33-сонли хати ҳамда жамият устав фондининг бир фоизидан ортиқ улушига эга акциядорлар томонидан берилган аризаларга мувофиқ амалдаги қонунчиликка ва жамият Уставига асосан жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилди:

1. Фармонов Бахтиёр Боходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиги,
2. Каримов Ахмадилло Ибрагимович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиги,
3. Махкамов Абдухалим Сатторович – “Фарғонапахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссияси раиси,
4. Кучкаров Тохир Муминджанович - “Ўзпахтасаноат” АЖда бошқарма бошлиги ўринбосари,
5. Махсидалиев Достон Латифжон угли – Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиги ўринбосари,
6. Халилов Ботиржон Абдугаффорович “ Фарғонапахтасаноат” ҲАБ мутахассиси,
7. Сирожиддинов Хабиб Камилович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги,
8. Қодиров Адхамжон Мелиевич – акциядор ,
9. Анназарова Шасанам Абдуллаевна- акциядор,
10. Абдуллаев Улугбек Адхамович - акциядор
11. Маннанов Акрамджон Акбарович – акциядор.,

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича кумулятив овоз бериш тартиби акциядорларга тушинтирилиб, бюллетенлари бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Ушбу масала юзасидан кумулятив овоз бериш натижалари:

Фармонов Бахтиёр Боходирович	2224544
Каримов Ахмадулло Ибрагимович	2224544
Махкамов Абдухалим Сатторович	2224544
Халилов Ботиржон Абдугаффорович	2224544
Кучкаров Тохир Муминджанович	2224544
Махсидалиев Достон Латифжон угли	2224544
Сирожиддинов Хабиб Камилович	2224544
Абдуллаев Улугбек Адхамович.	3432796

Маннонов Акрамжон Акбарович	4174899
Анназарова Шохсанам Абдуллаевна	2852160
Кодиров Адхамжон Мелиевич	0
	0
	0

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. Фармонов Бахтиёр Боходирович – Давлат активи агентлиги Фарғона вилояти Худудий бошқармаси булим бошлиги;
2. Каримов Ахмадулло Ибрагимович - Давлат активи агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиги ўринбосари;
3. Махкамов Абдухалим Сатторович “Фарғона пахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси;
4. Қўчқоров Тохир Муминджонович - “Ўзпахтасаноат” АЖ бошқарма бошлиги ўринбосари;
5. Махсидалиев Достон Латифжон угли – Давлат активи агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармаси бўлим бошлиги ўринбосари;
6. Сирожиддинов Хабиб Комилович - Давлат активи агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиги;
7. Абдуллаев Улуғбек Адхамович – “Синдбад плюс” ХК раҳбари;
8. Маннонов Акрамжон Акбарович – акциядор;
9. Анназарова Шохсанам Абдуллаевна – акциядор.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йигилиш раиси ўз сўзида, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятини тугатиш Лойиҳа офисининг 2022 йил 24 майдаги АХ-12/578 сон хати билан таништириб ўтди.

Жумладан мазкур хатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни ва тизим корхоналарида тугатиш ишлари олиб борилаётганлиги, Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан пахта тозалаш корхоналарининг мол-мулклари пахта тўқимачилик кластер корхоналарига сотилганлиги сабабли, бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш фаолияти кластер корхоналари томонидан амалга оширилиши айтиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармонга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув

кенгаши аъзоларини рағбатлантириш ва ижро органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсатини жорий этилиши белгиланганлиги ҳисобга олган ҳолда, ҳамда харажатларни қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналари акциядорлари (таъсисчилари)нинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишларида жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш масаласини қайта кўриб чиқилишини таъминлаш тавсия этилган.

Б.Фармонов масала давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонидан келиб чиқиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларига вазифаларини бажариб турган давр учун ягона рағбатлантиришни жорий этиш бўйича таклиф берди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан кун тартибидаги мазкур масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (29.6%) 1011938 та овоз; “Қаршилар” – (69.9%) 2 389 878;та овоз “Бетарафлар” – (0.5)15144 та овоз.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун иш ҳақи тўланиши бекор қилинсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзида, “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш лойиха офисининг 2022 йил 14 июндаги ШМ-12/640-сонли мурожаати билан таништирди.

Мурожаатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 06 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”га асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг кўчмас мулк, акция пакетлари, улушларини белгиланган тартибда оммавий савдоларда сотиш ва жамиятни тугатиш ишлари амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, жамият ташкилий тузилмаси ва штат жадвали лойихалари тавсия сифатида юборилаётганлиги айtilган.

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742;та овоз “Бетарафлар” – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ташкилий тузилмаси 3-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала бўйича жамиятнинг бош ҳисобчиси С.Эсонов сўзга чиқиб, жамиятда 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Лицензия №	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	МЧЖ "ТТТ-AUDIT" (РА INTERNATIONAL) Ўзбекистон-Франция	00327	15 000 000	15 000 000
2	"Finanse Audit" МЧЖ	00754	19 000 000	19 000 000
3	Академик аудит МЧЖ	00772	18 000 000	18 000 000

Йиғилиш раиси Н.Халилов акциядорларидан 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўзо маносабатларини бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари:

Аудит ташкилоти номи	Овозлар сони	Фоизда
----------------------	--------------	--------

1) "FINANCE- AUDIT" МЧЖ: миллий стандарт бўйича – 19 000 минг, Халқаро стандарт бўйича - 19 000 минг сўм.	1026142	30
2) "AKADEMIK- AUDIT" МЧЖ миллий стандарт бўйича - 18 000 минг сўм, Халқаро стандарт бўйича -18 000 минг сўм.	940	0.02
3) "ТТТ-AUDIT" МЧЖ миллий стандарт бўйича - 15 000 минг сўм, Халқаро стандарт бўйича -15 000 минг сўм.	2284428	66.8

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини Миллий аудит стандартларига ҳамда Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун "ТТТ-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг юқори миқдори –Миллий аудит стандарт бўйича - 15 000 минг сўм, Халқаро стандарт бўйича -15 000 минг сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзида, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва Ички Низомлари билан таништирди ва уларни тасдиқлаш таклифини киритди .

Акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.4%) 3327218 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742;та овоз
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

“

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади.

1. Жамиятнинг янги таҳрирда устави ва ички низомлари 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С.Эсоновга берди. С.Эсонов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2022 йил 1 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 34 929 минг сўмлик дебитор ва 91 779 658 минг сумлик кредиторлик қарздорликлари мавжуд.

Муҳокамада йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар (32.2,%) 1101442 та овоз; “Қаршилар” – (68.8%) 2315518 та овоз; “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари мавжуд бўлмаганлиги ва кўпчилик қарши овоз берганлиги сабабли дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқариш рад этилсин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзни жамият тафтиш комиссияси аъзоси А.Мирзаевга берди.

А.Мирзаев сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди.(рўйхат илова қилинади)

Йиғилиш раиси Н.Халилов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (95.3%) 3 256 782 та овоз; “Қаршилар” – (4.7 %) 160178; та овоз
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзни жамият бош хисобчиси С.Эсоновга берди.

С.Эсонов жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “ISHONCH LTD” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2022 йил 26 майдаги 24-сонли хулосасини акциядорларга ўқиб эшиттирди.

Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра 177 балл тўпланган, Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган саволномага асосан “Бешариқ пахта тозолаш” АЖнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати қониқарли деб эътироф этилган. *(хулоса илова қилинади)*

Йиғилишда раиси акциядорларга жамиятда 2021 йил якуни бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилишни ва ўз муносабатларини овоз бериш бюллетени орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (97.%) 3313306 та овоз; “Қаршилар” – (2.6 %) 89742 та овоз
“Бетарафлар” (0.4 %) 13912 та овоз.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “ISHONCH LTD” МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори кўрсаткичларга кўтариш бўйича тегишли чоралар кўрсин.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2021 йил 10 декабрдаги 747-сонли қарорига асосан Бешарик туманидаги “Бешарик пахта тозалаш” АЖ ва “Бешарик” корхона қоши, “Яккатут”, “Ропқон” пахта тайёрлаш масканлари мол-мулклари “Lux Yarn Tex” МЧЖга ҳамда Данғара туманидаги “Бешарик пахта тозалаш” АЖга қарашли “Найманча”, “Оқ жар” “Мулқобод” ва “Пахтакор” пахта тайёрлаш масканларини “Musavvar Tex МЧЖ ҚҚга 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан сотиш белгиланган.

“Olimp baholash va ekspertiza markazi” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан 2022 йил 20 мартда “Бешарик пахта тозалаш” АЖ ва “Бешарик” корхона қоши, “Яккатут”, “Ропқон” пахта тайёрлаш масканлари мол-мулклари 32 966 346 788 сўмга баҳоланган. Баҳолаш ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисида “Total estimate” МЧЖ томонидан 2022 йил 29 март куни экспертиза хулосаси берилган. Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Lux Yarn Tex” МЧЖга тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси Н.Халилов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (62,6 %) 2224544 та овоз; “Қаршилар” – (37,8 %) 1183016 та овоз “Бетарафлар” йўқ Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўқизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабр кунги 747-сонли “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 60-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан кўпчилиги кун тартибидаги масала бўйича ёқлаб овоз бермаганлиги сабабли Бешарик туманидаги “Бешарик пахта тозалаш” АЖ ва “Бешарик” корхона қоши, “Яккатут”, “Ропқон” пахта тайёрлаш масканлари мол-мулклари баҳоланган нархда 32 966 346 788 сўмга, ҚҚС билан 37 911 298 806 сўмга “Lux Yarn Tex” МЧЖга 5 йил муддатга тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш рад этилсин.

Кун тартибидаги йиғирманчи масала бўйича йиғилиш раиси Н.Халилов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сонли қарорига асосан Данғара туманидаги “Бешарик пахта тозалаш” АЖга қарашли “Найманча”, “Оқ жар” “Мулқобод” ва “Пахтакор”

пахта тайёрлаш масканларини “Musavvar Тех МЧЖ ҚҚга баҳоланган қийматда 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шarti билан сотиш белгиланган. 2022 йил 20 март “Olimp baholash va ekspertiza markazi” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан Данғара туманида жойлашган “Найманча”, “Оқ жар” “Мулқобод” ва “Пахтакор” пахта тайёрлаш масканлари мол-мулклари 15 515 073 545,0 сўмга баҳоланган. Баҳолаш ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисида “Total estimate” МЧЖ томонидан 2022 йил 29 март куни экспертиза ҳулосаси берилган. Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Musavvar Тех МЧЖ ҚҚга тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси Н.Халилов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (62,6 %) 2224544 та овоз; “Қаршилар” – (37,8 %) 1183016 та овоз “Бетарафлар” йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 60-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан кўпчилиги кун тартибидаги масала бўйича ёқлаб овоз бермаганлиги сабабли Данғара туманидаги “Бешариқ пахта тозалаш” АЖга қарашли “Найманча”, “Оқ жар” “Мулқобод” ва “Пахтакор” пахта тайёрлаш масканларининг бино-иншоотлари ва асосий воситаларини баҳоланган нархда 15 515 073 545,0 сўмга, ҚҚС билан 17 842 334 576,0 сўмга “Musavvar Тех” МЧЖ ҚҚга 5 йил муддатга тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш рад этилсин.

2. “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши ва бош директори К.Юлдашевга Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда ушбу масалада акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилишини ташкиллаштириш юклатилсин.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича жамият бош директори К.Юлдашевга сўз берилди ва йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича кластер ташкилотлари билан тузилган ижара шартномалари юзасидан тўланган пул маблағларини ишлатилиши бўйича ҳисоботларни ўқиб эшиттирди..

Йиғилишда раислик қилувчи Н.Халилов акциядорлардан жамиятнинг 2021 йилда кластер ташкилотлари билан тузилган ижара шартномалари ва пул

маблагларини ишлатилиши ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.


Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – (82,8%) 2425156 та овоз; “Қаршилар” – (17,0 %) 990572 та овоз “Бетарафлар” –(0,2) 1232 та овоз..
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:


1. 1. Жамиятнинг 2021 йилда кластер ташкилотлари билан тузилган ижара шартномалари ва пул маблагини ишлатиш ҳисоботи қониқарли деб топилсин ва ҳисоботлар маълумот учун қабул қилинсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:



Н.Халилов

Йиғилиш котиби:



П.Курбонов

Йиғилиш баённомаси 2022 йил 24 июль кuni икки нусхада тузилди.